

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам жаноб Талеб Рифаи!
Хурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!
Сиз, мухтарам меҳмонларимизни – Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноти вакилларини кутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кенгашининг 99-сессияси самарали ва муваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Авваламбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсақлар билан, очик юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканлими яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга ташрифингиздан мамнун ва рози бўлсангиз – бу менинг энг катта тилагим, десаам, айни кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноти вакиллари ҳозир бўлганидан хабардорман. Бу анжуманда, шунингдек, бизнинг дўстларимиз

– Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг меҳмонларимиз билан биргаликда барча муҳим анжуман ва тантанали маросимларимизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош қотиби жаноб Талеб Рифаи ва кенгашининг барча аъзоларига мазкур кенгашининг наватбдаги сессияси мажлиси ўтказиладиган жой сифатида турли маданиятлар чорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлмиш қадимий ва ҳаммиса навқирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳамияти, унинг беқиёс гўзаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.
Салкам уч минг йиллик ғоят бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улғувор меъморий ёдгорликлари, мовий гўмбазлари, бетакдор шарқона қиёфаси ва руҳи билан сайёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халққаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган “Хаффингтон пост” интернет наشري Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўри-

ши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳардан рўйхатига киритди.

Ўзда энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни ўзвий равишда уйғунлаштирган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номимдан «Самарқандга ҳуш келибсиз!» деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадри дўстлар!
Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби ғоят муҳим масалага – «Буюк ипак йўли – халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқларни ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотикни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон

давлатчилигининг шаклланиш тарихи милoddан аввалги икки мингичи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўхна Рим ва Бобилининг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шахрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, хунармандлик ва савдо-сотик кенг ривожланган, мухташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва курувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажриба-

си ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Милoddан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларидан Хинд водийсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган беповён Ўрта Шарқ минтақасидаги бир-бирдан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу худудлар Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотик алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва хунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, курул-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек, машҳур хитой қозоғи ташилган.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги «Форумлар мажмуаси»да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгашининг 99-сессиясида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган мазкур ташкилот Бош қотиби Талеб Рифаини қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНВТО ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон ушбу ташрифга ЮНВТО мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдор эканининг тасдиғи, деб қарашини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистонда туризмнинг халқаро, экологик, табиий-маданий, тиббий ва бошқа замонвий турларини, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва реставрация қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, Буюк ипак йўли брендини биргаликда тарғиб этиш бора-борида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

ЮНВТО сайёҳлик соҳасида жаҳондаги етакчи институт сифатида маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқларнинг маънавиятини бойитишга фаол қўмақлашиб келмоқда. ЮНВТОга 150 дан зиёд давлат аъзо. Ташкилот кўплаб мамлакатларда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга оширади. Бугунги кунда ялпи жаҳон маҳсулотининг 9 фоизи, дунё бўйича хизматлар экспортининг 29 фоизи туризм ҳиссасига тўри келмоқда. Ушбу соҳада 235 миллиондан ортиқ киши иш билан банд. Жаҳонда сайёҳлик хизматларидан тушган даромад ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Хозирги пайтда ЮНВТО дунёнинг асосий минтақалари «Буюк ипак йўли», «Халқаро йўли» ва «Буюк ипак йўли» трансконтинентал лойиҳасини амалга оширмоқда.

1994 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик

ярмаркаси мазкур кенг кўламли лойиҳанинг муҳим йўналишларидан биридир. Ўтган давр мобайнида ушбу ярмарка Марказий Осиёнинг туризм соҳасидаги йирик форумига айланди.

Бу йил йигирманчи марта ўтказиладиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси дастуридан қатор муҳим тадбирлар ўрин олган. Ярмарка арафасида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказгани алоҳида таъкидлаш керак. Ўттиздан ортиқ мамлакат делегациялари иштирок этаётган мазкур мажлисда халқаро туризмни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Сессия Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган.

ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Бу форум хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жаҳоннинг етакчи экспертларига халқаро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратди.

Талеб Рифаи самимий қабул ва сессиянинг юксак даражада ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур миннатдорлик билдириб, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бундан кейин ҳам мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА



Сўз – халқаро форум иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН МАҲОБАТЛИ ОБИДАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ КЎРКУ ТАРОВАТИ БИЛАН ҲАР ҚАНДАЙ САЙЁҲНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтмоқда. ЎЗА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан сўхбатлашди.

Ким Ки ХОНГ,
Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлигининг сайёҳлик бюроси бош директори:

– Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тобора юксалиб, имкониятлари кенгайиб бормоқда. Сессиянинг очилишида Президент Ислам Каримов иштирок этгани ва нутқ сўзлагани анжуман нуфузини оширди. Ўзбекистон ўз жозибаси ва гўзаллиги билан жаҳон сайёҳларини ҳайратлантириб келаётган мамлакатлардан биридир.

Президент Ислам Каримов маърузасини катта қизиқиш билан тинглади. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида кўрсатаётган ғамхўрлиги таҳсинга лойиқ, Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистонга, хусусан, Самарқандга келаётган сайёҳлар сони мунтазам кўпайиб боришига ишонаман.

Самарқандга ташрифимиз давомида «Афросиёб» музейида бўлдик. У ердаги деворий суратлардан бирида Афросиёб ҳукмдорининг турли мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросимини акс этган экан. Улар орасида Чосон (Корея) элчисининг ҳам борлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар илдизи қадимийлигиндан далolat беради. Бугунги кунда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар юксак даражада ривожланиб бораётгани бизни жуда қувонтиради.

(Давоми 3-саҳифада)



САМАРҚАНДА ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ФОРУМИ

Самарқанд шаҳридаги «Форумлар мажмуаси»да 2 октябрь куни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди. Ушбу халқаро анжуманда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Туркия, Индонезия каби туризм ривожланган ўнлаб мамлакатлар мутахассислари, халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош қотиби Талеб Рифаи ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказишга қаратган алоҳида эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Туризм – иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг

маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига ҳос робита вазирлигини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётди. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон замонвий сайёҳлик инфратузилмаси ривожланиш мақсадида кўп қиррали ўз ўрни ва маъқегага эга бўлди. Мамлакатимизга келувчи сайёҳлар

оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз олий даражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётди.

Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонвий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний барикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-эътиқод, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадимийликларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдуҳолик Гиждувоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридид, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом мажмуалари сингари табаррук масканларда олиб борилган катта ҳажимдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар диёримизнинг гўзал, файзли масканларига айланди.

Ана шундай савобли ва улғувор ишларнинг узвий қисми сифатида диний маърифат асосларини, дунёвий илмларни чуқур ўрганиш мақсадида Тошкент Ислам университети ташкил қилинди ва талабаларнинг замонвий таҳсил олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Бундай савобли ва олижаноб ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз пойтахти азим Тошкентнинг кўхна Минор маззасида мухташам масжид барпо қилинди.

Илгари хабар берганимиздек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шу йилнинг 18 июль куни бу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишган эди.

Юртбошимиз бу ерда моҳир курувчи, муҳандис ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр билдириб, мажмуани янада тақомиллаштириш бўйича муҳим кўрсатмалар ва тавсиялар берган эди.

Орадани икки ярим ой ўтиб, мажмуадаги ишлар ўз ниҳоясига етди.

1 октябрь куни, муқаддас Қурбон ҳайити арафасида Ислам Каримов ушбу эзгулик масканига ташриф буюрди.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз гоёси ва амалий тақлифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг, бутун дунёда машҳур бўлган масжид ва мадрасалар қуришининг азалий анъана ва услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан бетакорр, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган эди.

Давлатимиз раҳбари мухташам мажмуани ва унинг атрофида олиб борилган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечириб, кўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Қуръони каримдан тиловат қилинди.

Ислам Каримов масжиднинг ички ва ташқи қўрилиши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бир қуббасидаги олтин суви билан зийнатланган нақшларни кўздан кечириб, кўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Айни вақтда нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда янаона, бетакорр бўлган ушбу дини дийнат масканлари ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, бу ерга тоат-ибодат ниъмати келадиган мўмин-муслимонлар учун ҳар томонлама қулай шaroит яратиш бўйича курувчи ва мутахассисларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Халқимизнинг пок қалбини, олижаноб орзу-интилишларини, эзгу ниъталарини ўзида муҳассам этган ушбу муаззам меъморий мажмуа маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши муқаррар.

ЎЗА

ГАЛАБАЛАР ВА МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтаётган XVII Осиё ўйинларининг якунланишига ҳам кам фурсат қолди. Аммо шунга қарамай, спортчилар ўртасида беллашувлар қизгин кечмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобидаги медаллар сони 9 та олтин, 11 та кумуш, 20 та бронзани ташкил этиб, жами 40 тага етди.

17th Asian Games INCHEON 2014

Юнон-рум кураши. Спортчимиз Рустам Аскалов Осиё ўйинларининг олтин медали соҳибига айланди. У финалда юнон-рум курашининг 85 килограмм вазн тоифасида мезбон Се Е Олга қарши гиламга чиқиб, 4:0 ҳисобида зафар кучди.



Эслатиб ўтамиз, Рустам Аскалов жорий йилда Қозоғистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритганди. Яна бир курашчимиз Дилшоджон Турдиев финалда 71 килограммгача бўлган вазнда жанубий корейлик Жун Жихунга қарши кураш олиб борди. Натيجада Осиё ўйинларининг кумуш медалини ўз ҳисобига ёзиб қўйди.

Мурасасиз кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, бунгача иккита таэквондочимиз — Жасур Бойқўзиёв 82 килограммгача бўлган вазнда олтин, Никита Рафалович эса 74 килограммгача кечган баҳсда кумуш медалларни делегациямиз ҳисобига ёзиб қўйишганди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Бадий гимнастика. Осиё ўйинларида спортнинг бадий гимнастика тури бўйича тўртлик жамоасимиз — Валерия Давидова, Равиля Фахрутдинова, Жамила Раҳматова ва Анастасия Сердюковалар беллашувда энг юқори натижани кўрсатишди. Пешқадим вакилларимиз баҳсининг умумқунида 170.130 балл билан олтин медалга эга бўлдилар.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

Ҳисобчи кечган баҳсда Максим кумуш медал соҳибига айланди. Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Шокин финалда 87 килограммдан ошқ вазнда мезбон Жо Чол Хо билан кураш олиб борди. Натияжада Дмитрий ҳам кумуш медални қўлга киритди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ёшлар — тараққиёт давомчилари. Ёшлар — келажак бунёдкорлари. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ёшларнинг ҳам ҳиссаси ошиб бормоқда. Аини шу жараёнда уларга барча имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

БУНЁДКОРЛИҚДА ҲИССАМИЗ БОР

Бугун қишлоқларимиз кун сайин кўркамлашиб, обод ва файзли гўшларга айланиб бормоқда. Бир-биридан чиройли, шиннам гузарлар, савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шохбачалари, турар-жойлар барпо этилмоқдаки, шаҳардан қолшимайди.

Айни пайтда юртимизнинг қай гўшасига борманг, кенг қўламли бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Қишлоқларимизда қурилаётган кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар юртимиз жамолига ҳусн қўшмоқда. Ушбу ишларнинг асосида инсон манфаатлари устуворлиги, аҳолига қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад мужассамдир. Биз бу жараёнда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар учун дарвозалар, йўллар четида ўрнатилган панжаралар ясаб берамиз. Корхонамизда ўзим тенги — яқинда коллежни

ЎЗИМИЗ ТАЙЁРЛАГАН МАҲСУЛОТЛАР

Баъзан бозорларимизда сотилаётган, юрдошларимиз кийиб юрган кийим-бошлар, оёқ кийимларига қараб, уларнинг ўзимизда ишлаб чиқаришганини кўриб, "Ўзимизнинг маҳсулотлар" дея фахрланиб кетамиз. Агарда бу маҳсулотларга меҳнатингиз сингган бўлса-чи, унда фахр туйғуси гурурга айланади.

Корхонамиз маҳаллий хомашёдан — чармдан турли хилдаги маҳсулотлар — кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, аҳолини, шунингдек, коллеж битирувчиларини янги иш ўринлари билан банд қилиш мақсадида кредит сураб, "Микрокредитбанк"нинг Ромитан туманидаги филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда қўриб чиқиб, бизга 28 миллион сўмлик кредит маблағи ажратди. Ушбу олинган кредит эвазига ишлаб чиқариш ҳаж-

Барот ҚУЧҚОРОВ, Бухоро вилоятидаги "Жаннат плюс локс" хусусий корхонаси раҳбари.

МУАММАЛ ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТГА!

АТБ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» БУНЁДКОР ФИЛИАЛИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бюртмачи: АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бунёдкор филиали. (Андихон шаҳри А.Темур шоҳ кўчаси 24-уй. Тел: (998 74) 228-48-04, 228-48-09)

Андихон шаҳар А.Темур шоҳ кўчасида жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бунёдкор филиали биносини капитал таъмирлаш ва ҳудудни ободонлаштириш.

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚСиз 410.050.000 сўм, ҚҚСиз 341.708.333 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 90 кун.

Молиялаштириш манбаси: бюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича кваталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар кўйидаги шартларга мос келиши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш

юзасидан фуқаролик-муомила ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан овозд қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва тан-

ШОШИЛИНГ, ЧЕГИРМАЛАР!

Тошкентдаги омборхонадан турли хилдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этамиз:

1. Экскаватор-погрузчиклар ЭП-25 (МТЗ 82.1)
2. Фронтал погрузчиклар П-11 (МТЗ 1221)
3. Пресс-подборщиклар (PVP-351 Claas лицензияси асосида)
4. Тракторлар (МТЗ Беларус)
5. Омочлар
6. Картошка экиш селласи ва картошка қовлаш агрегати
7. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари

Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ўзининг хизматлари мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусов тумани Халқаро бизнес Маркази 3-қават. Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 205-01-20, (+99894) 666-67-10, (+99890) 990-78-80. Омборимиз манзили: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҲАЙ Янгибоб бозори яқинида (Promzona.uz).

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

АГРОТЕХНИКА

Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025

- Бог ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Прессподборщик
- Гузапоя урадиган комбайн
- Ут урадиган комбайн
- Макка урадиган комбайн
- Жужури йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдош экадиган селлка
- Пахта экадиган селлка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб сугорувчи мосламалар
- Ем майдалаш тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58
- Чизель, борона
- 150-68-68
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншекопатель, ямобур

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

Маҳсулот сертификатланган Бюртма асосида

МУАММАЛ ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФВВ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ БОШҚАРМАСИ 2014 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНАЛШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Бухоро шаҳри Фароғий кўчасида Бухоро шаҳар ФВВ авто-техникаларини сақлаш учун муҳандислик тармоқлари билан бирга бокслар қурилиши».

Бюртмачининг бошланғич қиймати: ҚҚС билан 1 505 717 230 сўм, ҚҚСиз 1 254 764 358 сўм.

Курилиш муддати — 180 кун.

Курилиш ишлари Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйималар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларга қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Ресурстга киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига ружасат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси: Бухоро вилояти қурилишда танлов

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2014 йил 30 сентябрь кунги №117 (8354)-сонида «Узагросуғурта» ДАСК АЖ Андихон вилояти дирекцияси Хўжаобод тумани бўлинимаси томонидан берилган эълондаги **Хўжаобод тумани Навоий кўчасида «Узагросуғурта» ДАСК АЖ Андихон вилояти дирекцияси Хўжаобод тумани бўлинимаси маъмурий биносини қурилиши** объекти бўйича қайта танлов савдолари бекор деб ҳисоблансин.

ДИҚҚАТ!

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2014 йил 30 сентябрь кунги №117 (8354)-сонида «Узагросуғурта» ДАСК АЖ Андихон вилояти дирекцияси Хўжаобод тумани бўлинимаси томонидан берилган эълондаги **Хўжаобод тумани Навоий кўчасида «Узагросуғурта» ДАСК АЖ Андихон вилояти дирекцияси Хўжаобод тумани бўлинимаси маъмурий биносини қурилиши** объекти бўйича қайта танлов савдолари бекор деб ҳисоблансин.

савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Бюртмачи: Ўзбекистон Республикаси ФВВ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри Юнусов тумани Кичик халқа йўли 4-уй. Телефон: (0371) 235-64-32.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметини қийматининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик

тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомила ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан овозд қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов

савдоси ташкилотчиси — **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (0365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламанинг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишининг охириги мuddати — офёрталар очилиши куну ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 6-уй.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротанов комплекс таркибидида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шухрат ТИШАЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНУРБЕКОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТИМЪР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анавар ҚУЛМУРОВОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳолир ХОЛИКОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-26-50, Котибят — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андихон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99890) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Набатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусахҳас: Х.АБДУГАНИЕВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Бюртма Г-919, ҳажами 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 02.10. 16240 нусхада босилди. Нашр индекси — 144. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5